

ЎзДЖТУ  
хузуридаги  
РИАИМ

Ўқув-услубий  
мажмуа

Таржима назарияси ва  
амалиёти йўналиши  
тингловчилари учун

Ўқув-услубий  
мажмуа

2019

Таржима назарияси ва амалиёти:

5.2. Таржимашуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг  
тизимли ёндашувлари

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:**

ЎзДЖТУ

фалсафа доктори У.Йўлдошев

**Тақризчи:**

ЎзДЖТУ доценти в.б, ф.ф.д.

Ҳ.Самигова

*Ўқув -услубий мажмуа ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ Кенгашининг 2019 йил 27.09 даги 9 -сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

<b>I.</b>	<b>ИШЧИ ДАСТУР</b>	<b>4</b>
<b>II.</b>	<b>МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ</b>	<b>9</b>
<b>III.</b>	<b>НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР</b>	<b>13</b>
<b>IV.</b>	<b>АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ</b>	<b>19</b>
<b>V</b>	<b>КЕЙСЛАР БАНКИ</b>	<b>27</b>
<b>VI.</b>	<b>ГЛОССАРИЙ</b>	<b>29</b>
<b>VII.</b>	<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>	<b>31</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”даги 5789 сонли Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни жамият ривожини ва

таълим–тарбия жараёнининг инновацион масалалари, олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълимотни такомиллаштиришда компаративистика, яъни қиёслашга асосланган методологиядан унумли фойдаланиш - бугунги куннинг талабига айланди.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Таржимашуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли ёндашувлари” модулининг **мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини таржимашуносликда тизимли таҳлил ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, назарий ва эмперик таҳлил ҳамда тадқиқот услубларини амалда қўллаш, шунингдек, уларда таржимашуносликда тизимли таҳлил тўғрисида кўникма ва малакаларини таркиб топтиришдан иборат.

“Таржимашуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли ёндашувлари модулининг **вазифалари:**

- таржимашуноликда тадқиқот методлари ва парадигмалари билан таниш бўлиш;
- таржимада тизимли таҳлил тушунчасини шакллантириш;
- таржимада маълумотлар таҳлил қилиш усуллари: лингвистик таҳлил, дискурс таҳлил, социолингвистик таҳлил, контентни ва контекстни таҳлил этиш механизмларини ўргатиш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг модул бўйича билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Таржимашуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли ёндашувлари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- тизимли таҳлил асосларини ва уларни ўз ўрнида қўллаш методларини шакллантириш;

- ёзма ва оғзаки таржимани тадқиқ қилиш;

- таржимада тадқиқот методлари ва парадигмалари ҳақида ахборотга эга бўлиш;

- таржима жараёнларини белгилаш ва харитага киритиш;

- таржимада дискурс таҳлилини амалга ошириш кўникмасига эга бўлиш;

- таржимада тизимли таҳлил тушунчасини шакллантиришни **билиши керак.**

#### **- Тингловчи:**

- Таълимни ташкил этиш принциплари, таълим методларининг турлари, таълимни ташкил этиш шакллари, таълим жараёнида қўлланиладиган ўқитиш воситалари, ўқитиш жараёнида ишлатиладиган техник-дастурий воситаларнинг турлари, таълим жараёнида барча воситалардан тизимли фойдаланиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши зарур.

#### **- Тингловчи:**

- таржимада маълумотлар таҳлил қилиш усуллари: лингвистик таҳлил, дискурс таҳлил, социолингвистик таҳлил, контентни ва контекстни таҳлил этиш механизмларидан фойдалана олиш бўйича малакаларини эгаллаши лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Таржимашуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли ёндашувлари” модули мазмуни ўқув режадаги шарқшуносликнинг бошқа модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг бу соҳа бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг Олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар шарқшунослик соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш, илмий-тадқиқотда инновацион фаолият олиб бориш каби касбий компетентликка эга бўладилар

### **МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан		
				Назай	Амалий машғулот	
1.	Таржима илмий тадқиқот объекти сифатида	2	2	2		
2	Таржимада тадқиқот методлари ва парадигмалари	2	2		2	

3	Таржимада маълумотлар таҳлил қилиш усуллари: лингвистик ва экстралингвистик таҳлил этиш механизимлари.	2	2		2	
	<b>Жами: 6 соат</b>	6	6	2	4	

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-маъруза: Таржима илмий тадқиқот объекти сифатида

Модулнинг мақсад ва вазифалари. Тизим тушунчаси ва унинг турлари. Таржимада мавзу ва традиция. Медиаторлар. Воизлар. Ёзма ва оғзаки таржимани тадқиқ қилиш.

### АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-мавзу: Таржимада тадқиқот методлари ва парадигмалари.

Таржимашуносликда тадқиқот олиб боришда қўлланадиган методлар ва парадигмалар: тавсифий, қиёсий-типологик, трансформацион, компонент ҳамда семантик майдон таҳлили ва лингвостатистик методлар.

#### 2-мавзу: Таржимада маълумотлар таҳлил қилиш усуллари: лингвистик ва экстралингвистик таҳлил этиш механизимлари.

Таржимада маълумотларни лингвистик: фонетик, грамматик, лексик-семантик, стилистик, матний ҳамда экстралингвистик: лингвокультурологик, прагматик, когнитив таҳлил механизимларини амалга ошириш.

### ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- ноанъанавий ўқитиш (интерактив, конференция, дебат);
- давра суҳбатлари (муҳокама этилаётган муаммо ва унинг ечими бўйича мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли рақамлар тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).



## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки катнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Коммуникатив компетенция	Адабий асарлар ёзиладиган тил	
Тил компетенцияси	Тилимизга чет тиллардан кириб келган янги сўзлар	
Таржимонлик компетенцияси	Эскирган сўзлар, архаизмлар	
Шахсий	Қўпол сўзлар	

<b>компетенция</b>		
--------------------	--	--

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• тўсиқлар

### Муаллиф, хикоячи ва персонаж нутқини таҳлил қилинг ва ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	ихтисослик бўйича матнлар профессионал таржи-монлар гуруҳи қадрий ориентацияси ва менталитетига кириб бориш	ихтисослик бўйича матнлар таржимасида касбий шаън ва кадр қоидаларига риоя қилиш
<b>W</b>	таржима қилинаётган ахборот/маълумотнинг аниқ-лиги ва адекватлиги учун жавобгарлик, мукамаллик ва мустақил ўқишга тайёрлик	фикрлаш: амалий, репродуктив, продуктив, мантикий, таҳлилий-мантикий, интуитив
<b>O</b>	таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни бартараф этишга ҳамда турли ҳил вазифаларни бажаришга кўмаклашувчи таржиманинг асосий малакалар	тил бирликлари функциясининг тизимли қоидаларини билишгина эмас, балки нутқ малакаси даражасида тил материални билиш, яъни муайян мазмунни ифодаловчи гапларни тўғри тузиш
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни

## Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айтилган пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

Тил шакллари					
Адабий тил		Бадиий тил		Халқ жонли тили	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	Камчилиги
					и
<b>Хулоса:</b>					

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда семинар машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

<b>Ф</b>	• фикрингизни баён этинг
<b>С</b>	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
<b>М</b>	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
<b>У</b>	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Фикр:** Таржимон халқлар ўртасида воситачи

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **Венн Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у учта ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини турли аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

## **II. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

### **1-мавзу: ТАРЖИМА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА**

#### **Режа:**

- 1.1. Таржима тушунчасининг асосий моҳияти
- 1.2. Таржиманинг турлари

**Таянч тушунчалар:** таржима, тенденция, таржимон тайёрлаш, таржимага ўқитиш, моҳият, мазмун, кўникма, малака.

## 1.1. Таржима тушунчасининг асосий моҳияти

Азал-азалдан дунё халқларининг бир-бирлари билан мулоқот қилишида маълум даражада муаммолар келиб чиққан. Бунга кўп миллат ва элатларнинг бир-бири учун тушунарсиз тилларда мулоқот қилиши сабаб бўлган. Мана шундай мулоқотдаги қийинчиликларни бартараф этувчи омил – таржима ва уни амалга оширувчи восита – таржимон ҳисобланади. Шунинг учун таржимани икки тил, таржимонни икки миллат ўртасидаги воситачи деб тушунишимиз мумкин. Таржима ҳақида кўплаб ўзбек ва чет эл олимлари ҳам ўз фикрларини билдириб ўтишган.

Хусусан, Ғ. Саломов “таржиманинг бош хоссаси унинг бошқа тил воситалари билан қайта яратишдан иборат ижодий жараён, сўз санъати эканлигини”<sup>1</sup> таъкидлаб ўтган. Бу фикрни мулоҳаза этган ҳолда таржимага сўз санъати, деб таъриф берсак тўғри бўлади. Чунки, ўзга тилда ёки ўзга тилдаги маълумотни ўз тилида қайта баён этиш сўз санъати билан боғлиқ ҳодисадир. Таржима – бадий ва луғат фаолиятининг ўзига хос тури. Таржима бадий, илмий ижод каби тил, тафаккур ва фантазия билан иш кўради<sup>2</sup>. Қ. Мусаевнинг фикрига кўра, “инсоният фаолиятининг мураккаб шакли бўлмиш таржима – бир тилда яратилган нутқий ифодани (матнни), унинг шакли ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда, ўзга тил воситалари асосида қайта яратишдан иборат ижодий жараёндир”<sup>3</sup>. Дарҳақиқат, таржима – ижод маҳсулидир. Бир тилдаги ижод маҳсулини ўзга тилда яратиш ижодкорнинг ижод маҳсули ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда Қ.Мусаев фикрига қўшилаемиз. И.Ғафуров эса “сўзловчи нутқи, муаллифнинг асари, турли ҳужжатлар ва маълумотларни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш ёки ўтказиш, бошқа тилга уларни тушунарли қилиш таржима деб аталади”,<sup>4</sup> деб таъкидлайди. Бу ерда И.Ғафуров ва Қ. Мусаевнинг таржима борасидаги фикрларини умумлаштирган ҳолда таржима ёзма шаклдаги ва оғзаки нутқдаги матнни бир тилдан иккинчи тилга унинг семантик,

<sup>1</sup> Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – Б.93.

<sup>2</sup> Ғафуров И, Мўминов О, Қамбаров Н. Таржима назарияси. –Т.: Тафаккур бўстони, 2012. – Б.7.

<sup>3</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т: Фан, 2005. – Б.8.

<sup>4</sup> Ғафуров И. Таржимон мутахассислигига кириш. – Т.: Меҳридарё, 2008. –Б.5.

лингвокультурологик, прагматик ҳамда лингвостилистик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўгириш, дея таъриф беришимиз мумкин.

А. Рожонинг фикрига кўра, “икки тил ўртасидаги таржима жараёни таржимон томонидан бирор аслият тилидаги ёзма матнни таржима тилидаги ёзма матнга, бирор аслият тилидаги оғзаки матнни бошқа таржима тилидаги оғзаки матнга ўзгартиришдир”<sup>5</sup>. П.Ньюмаркнинг талқинига кўра “камдан-кам ҳолатларда, таржима - бирор матн маъносини бошқа тилга муаллиф назарда тутган йўл билан ўгиришдир”<sup>6</sup>. Бу билан П.Ньюмарк таржима жараёнида муаллиф аслият мухитини таржима тилига олиб ўтишда муаллиф эътироф этган фикрлардан ташқари ўз фикрларини ҳам қўллаши мумкин эканлигига эътибор қаратмоқда. Чунки, бир миллатнинг фақат ўзигагина хос бўлган тушунчаларни ўзга тилда яратишда таржимон таржима тили вакилларида мавжуд бўлмаган тушунчаларни турли изоҳлар билан ҳам билдириб ўтиши мумкин.

М.Снел-Хорнби эса, таржимага “бир тилда ифодаланган нарсани ўгириш ёки ўша тилнинг белгиларини жойлаштириш жараёни ёхуд ҳаракати”<sup>7</sup> деб таъриф беради. Ж.Катфорднинг фикрича эса “таржима бир тилдаги матн материалини бошқа тилдаги матн материалининг эквиваленти билан алмаштиришдир”<sup>8</sup>. Р.Беллнинг таъкидлашича “таржима аслият тилида ифодаланган нарсанинг семантик ва стилистик эквивалентлигини сақлаган ҳолда таржима тилида ифодалашдир”<sup>9</sup>. Е.Найда ва С.Табер “таржима манба тилидаги маълумотни, биринчидан, маъно терминлари, иккинчидан, услуб терминлари жиҳатидан энг яқин эквивалентини таржима тилида қайта яратишдан иборат,”<sup>10</sup> жараён деб ҳисоблайди. Демак, таржима жараёнида биз аслият ва таржима тилларининг синтактик, семантик, стилистик, прагматик ва лингвокультурологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тилларнинг

<sup>5</sup> Rojo A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. – Peter Lang, 2009. – P.25

<sup>6</sup> Newmark P. A Textbook of Translation. – London : Prentice Hall, 1988/1995. – P.5.

<sup>7</sup> Snell-Hornby M. Translation Studies: An Integrated Approach. – Amsterdam / Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 1988/1995. – P.39.

<sup>8</sup> Catford J. A Linguistic Theory of Translation. – London: OUP, 1965. – P.20.

<sup>9</sup> Bell R. Translation and Translating. – London and New York: Longman, 1991. – P.5.

<sup>10</sup> Nida E. and Taber C. The Theory and Practice of Translation. United Bible Society, 1969. – P.12.

эквивалентлигига эътибор қаратишимиз керак бўлади. Таржиманинг мана шундай хусусиятларини Г.Нортоннинг таржимага берган таърифида ҳам кўришимиз мумкин. Унинг таъкидлашича, “таржима аслият тили матнини таржима тили матнидаги энг яхши эквиваленти билан алмаштиришга мўлжалланган ўгириш жараёнидир ва бунда таржима тили синтаксиси, семантикаси, прагматикасини тушуниш ва жараёни таҳлил қилиш талаб қилинади”<sup>11</sup>.

Олимларнинг таржимага берган тавсиф ва таърифларга ёндашган ҳолда таржимани қуйидагича изоҳлаш мумкин: таржима аслият матнидаги оғзаки ёки ёзма шаклдаги ҳар қандай сўз, гап, матн ва ҳоказоларни, аслият ва таржима тилларининг лингвистик: синтактик, семантик, стилистик хусусиятлари ҳамда экстралингвистик: лингвокультурологик, прагматик ва когнитив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таржима тилига олиб ўтиш жараёнидир.

## 1.2. Таржима турлари

Таржима ижросига кўра ёзма ва оғзаки турларга бўлинади.

Ўз навбатида, ёзма таржима характериға кўра бадиий асарлар, илмий адабиётлар, расмий-идора ҳужжатлари, публицистик материаллар, кинофилмлар таржимасига бўлинади.

Буларнинг ҳар бири яна ўз ички бўлинишларига эга. Бадиий таржима насрий, шеърий, драматик асарлар таржимасини ўз ичига олади. Илмий адабиётлар фаннинг турли соҳаларидаги тадқиқотлар таржимасидан иборат: тилшунослик, адабиётшунослик, тарих, фалсафа, математика, физика, кимё, биология, иқтисод ва ҳоказо.

Расмий идора ҳужжатларига хатлар, қарорлар, баённомалар, фармойишлар, патентлар ва бошқалар киради.

Публицистик материалларға мақола, хабар, фелетон, очерк, памфлет, публицистика каби вақтли матбуот ва оммавий ахборот воситаларидаги барча

---

<sup>11</sup> Norton G.P. Some remarks on translation and translators. – Oxford: Oxford University Press. 1984. – P.3.



материаллар киради. Кинофилмлар таржимаси ҳам бадиий, илмий, ҳужжатли филмлардан ташкил топади.

Оғзаки таржима ҳам кенг тарқалган бўлиб, давлат раҳбарлари ўртасидаги халқаро аҳамиятга молик сиёсий-иқтисодий мавзудаги ўзаро фикр алмашувлардан тортиб, оддий суҳбатгача бўлган катта доирани қамраб олади. Оғзаки таржима ҳам характериға кўра синхрон таржима, кетма-кет таржима, тушунтириб бериш, ўқиб таржима қилиб бериш, ўқиб гапириб бериш, эшитиб гапириб бериш кабиларға бўлинади.

Синхрон таржима катта анжуманлар, конференциялар, халқаро миқёсдаги учрашувларда тил билмайдиган иштирокчилар учун амалға оширилади.

Кетма-кет таржимада нотик бир гап ёки абзацни ўқийди, таржимон уни таржима қилади – нотик ва таржимон ўрин алмашиб туради.

Тушунтириб бериш бирор нарсани ўқиб, унинг мазмунини оғзаки айтиб бериш ҳисобланади.

Бирор мавзудаги адабиётни ўқиб, жумла-жумла таржима қилиб бориш ўқиб таржима қилиб бериш дейилади.

Бирор нарсани ўқиб, унинг шунчаки мазмуни гапириб бериш ўқиб гапириб беришға киради.

Эшитиб гапириб бериш бошқа тилда эшитганини тил билмайдиган кишиларға тушунтириб бериш.

Таржима соҳалар бўйича қуйидагича бўлинади:

- бадиий асарлар;
- илмий адабиётлар;
- ижтимоий-сиёсий китоблар;
- расмий идора ҳужжатлари;
- кинофилмлар;
- радиоешиттириш ва телекўрсатувлар.

Тил принциплари бўйича: русча-ўзбекча, инглизча-ўзбекча, форсча-ўзбекча, арабча-ўзбекча таржима ва ҳоказо, билингвизм ва таржима.

Тарихий анъаналар ва маҳаллий шароитга оид типик белгилар бўйича  
(Хоразм таржима мактаби, Тошкент таржима мактаби ва ҳоказо)

Даврлар бўйича: XI-XII асрлар таржима тарихи, XV аср таржима тарихи, XIX аср таржима тарихи.

Умуман, таржима жанрий хусусиятига кўра 4 турга бўлинади:

- бадий;
- илмий;
- публисистик;
- расмий идора ҳужжатлари.

Бу турлар, ўз навбатида, ўз ички бўлинишларига ега.

- соҳалар;
- тиллар;
- луғат тузиш;
- даврлар;
- таржима мактаблари бўйича ҳам бўлинади.

Таржима хиллари қуйидагича:

1. Бир тилдан иккинчисига – қардош ёки қардош бўлмаган тилга таржима қилиш.
2. Қадимий давр тилидан ўша тилнинг ҳозирги замонавий ҳолатига таржима қилиш.
3. Муайян тилнинг у ёки бу шевасидан адабий тилга таржима қилиш.

### **Саволлар:**

1. Таржиманинг асосий моҳияти нимадан иборат?
2. Таржиманинг жанрига кўра турлари қандай?
3. Оғзаки таржиманинг қандай турларини биласиз?
4. Таржиманинг лингвистик муаммоларига нималар киради?

#### IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

##### 1-мавзу: Таржимада тадқиқот методлари ва парадигмалари

Ҳар бир фан каби таржимашунослик фани ҳам тарихий тараққиёти давомида лисоний ходисаларни ўрганишда тадқиқот объектини (манбаини) илмий таҳлил қилиб, унинг ички «сирларини», муайян жihatларини очишда, табиатини, таркибини аниқлашда, илмий хулосалар чиқаришда муайян методлар асосида иш олиб боради. Бу - мутлақо табиий. Чунки метод тадқиқот манбаининг (объектининг) бирор жihatини, томонини (қисмини, бўлагини) ўрганиш, аниқлаш, билиш усулидир. Бошқача айтганда, табиат ва жамият ходисаларининг, жараёнларининг мохиятини билиш, уларнинг ўзига хосликларини, жihatларини, белги-хусусиятларини аниқлаш ва улар ҳақида объектив илмий-фалсафий ғоялар, умумлашмалар чиқариш факат муайян тадқиқот методлари фаоллигида, уларни қўллаш орқали амалга ошади. Демак метод фаннинг мавжудлиги, унинг ажралмас таркибий қисми, мантикий бўлаги (компоненти) бўлган илмийлик деган тушунчага хизмат қилади. У фан илмийлигини, фан тараққиётини таъминлайди, фаннинг ижтимоий онгининг кудратли бир қисми, тури эканлигини асослайди, унга хизмат қилади.

Айтиш мумкинки, ҳар бир фан муайян илмий-назарий хулосалар чиқаришда, таълимотлар яратишда бевосита асос бўлиб хизмат қилувчи қатор фактлар, ходисаларга эга бўлишидан ташқари у ушбу фактларни тадқиқ ва таҳлил қилувчи методларга ҳам эга бўлиши шарт. Демак, ҳар бир фаннинг мавжудлиги, хулосалари, фаоллиги унинг тадқиқот объекти (манбаи), тадқиқот мақсади ва, айтиш вақтда, тадқиқот методлари билан белгиланади, ўлчанади.

Метод этимологик жihatдан грекча *methodos* сўзидан олинган бўлиб, “тадқиқот”, “ўрганиш” деган маънони англатади. Метод билиш назариясига кўра воқеликка ёндашиш - табиат, жамият ва фикрлаш жараёнини тафаккурни билиш усулидир. Бинобарин, метод ушбу фалсафий маънода объектив воқеликнинг ҳар қандай ходиса ва жараёнларини билиш,

тушунтириш ва талқин қилиш йулидир. Айни вақтда метод умумий фалсафий маънода қулланишдан ташқари у тор (хусусий) маънода ҳам қўлланиш имкониятига эга. Бу ҳолда у муайян фанга оидлиги билан, айни фаннинг тадқиқот объектини (манбаини) таҳлил қилиш билан муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Демак, метод махсус, хусусий, соҳавий метод сифатида турлича фанларда турлича бўлиши билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, метод умумий ва хусусий, фалсафий ва соҳавий кўринишларга эгаллиги билан характерланади.

Методика олимнинг амалий равишда ишлаш системаси бўлиб, у фактларни тўплаш, ўрганиш, умумлаштириш усуллари назарда тутати. Бошқача айтганда, методика тил ва нутқ бирликларини умумлаштириш, таҳлил қилиш, тасниф қилиш, амалда синаб куриш йуллари билан мақсадга етишдир.

Тилшунослик фани ўзининг катор илмий-тадқиқот методларига эга бўлиб, бу тилнинг ўта мураккаб ижтимоий-тарихий, ижтимоий-психик, ижтимоий-индивидуал, ижтимоий-физиологик ходиса эканлигидан келиб чиқади. Шунга кура, тилни тадқиқ қилувчи лисоний тадқиқот методлари ҳам турли-туманлиги билан ажралиб туради.

Таржимашунослик тилшуносликнинг бир соҳаси бўлганлиги боис, унда қўлланадиган тадқиқот методлари бевосита тилшуносликнинг тадқиқот методларига алоқадор. Таржимашунослик бўйича амалга ошириладиган тадқиқотларнинг объекти тил ва нутқнинг сатҳлари ва уларнинг бирликлари ҳисобланади ва уларнинг таржима тили сатҳи ва бирликлари билан чоғиштириши ва қиёсланиши таржимашунослик соҳасидаги тадқиқотларнинг предмети ҳисобланади. Шу боисдан, тилшуносликда қўлланадиган аксарият тадқиқот методлари таржимашуносликнинг тадқиқот методлари ҳисобланади.

## **Тасвирий метод**

Тасвирий метод ўз фаолияти давомида лисоний ходисаларни тадқиқ қилиш жараёнида ўз таркибидаги муайян усуллардан «ички методлардан» фойдаланади. Айтиш мумкинки, бундай ҳолда тасвирий метод умумийлик сифатида, муайян усуллар (ички методлар) эса хусусийлик сифатида вокеланади.

Тасвирий метод таркибидаги «ички методлардан» бири кузатиш усулидир. Бу жараёнда мўлжалга олинган лисоний объектлар, масалан, фонема, морфема, лексема, сўз, сўз бирикмаси, гап, матн кабиларнинг тилдаги хусусиятлари - вазифаси, қўлланиши, тузилиши, ахамияти кабилар аниқланади. Кўпинча уларнинг ҳар бири алоҳида олиниб, ҳар бирининг ўзига хосликлари, жихатлари ўрганилади. Демак, кузатиш жараёни тасвирий метод фаолиятидаги дастлабки зарурий босқич сифатида хизмат қилади. Шунга кўра ушбу босқич - кузатиш жараёни тадқиқотчидан тил билимининг тўлиқ, мукамал бўлишини талаб қилади. Бу эса ўз навбатида ўрганилаётган ходисалар ҳақидаги фикрларнинг, хулосаларнинг илмийлиги, пухталиги, объективлигини таъминлайди.

Тасвирий методнинг навбатдаги усулларида яна бири қиёслашдир. Бу ҳолда қиёслаш усули орқали бирдан ортиқ фактлар, яъни янги аниқланган фактлар маълум бўлган фактлар билан ўзаро қиёсланади, муайян илмий хулосалар чиқарилади. Демак, қиёслашда лисоний ходисаларнинг бирдан ортиқ бўлиши муҳим ҳисобланади. Масалан, келишиқ кўшимчаларининг, сифат даражаларининг, феъл замонларининг, гап тузилиши ва маъно турларининг ўзаро қиёсланиши кабилар.

## **Чоғиштириш методи**

Чоғиштириш методи икки ва ундан ортиқ қариндош ёки қариндош бўлмаган тилларни - тил ходисаларини ўзаро қиёлаш усулидир. Шунингдек, бир қанча тилларга оид чоғиштирилаётган, таққосланаётган лисоний ходисаларни тасвирлашда, тавсифлашда, тиллараро *ўхшаш* (аналогик) ходисалардаги умумий ва фарқли жихатларни аниқлашда, қиёсий-тарихий

методдан фаркли, айни тилларнинг чоғиштирилаётган тилларнинг тарихига, уларнинг келиб чиқишига - генетик жихатларига, тараққиётига эътибор бермайди, уларга асосланмайди.

Чоғиштириш методи қайд этилган ўзига хос жихатларига, томонларига кўра у муайян бир тил табиатига, тузилишига, таркибига хос хусусиятларни тавсифлаш учун хизмат қиладиган тасвирий методдан ҳам фарқ қилади.

Тилларни чоғиштириш методи асосида ўрганиш натижасида уларнинг фонетик ва лексикографик хусусиятлари, томонлари атрофлича ёритилади, маълум бўлади. Бу эса, ўз навбатида, қиёсга асос бўлган тилларнинг тузилишини, ички томонларини чуқурроқ ўрганиш имконини беради.

Чоғиштириш методи, айникса, чет тилларни ўрганишда ҳам кенг қўлланилади. Демак, мазкур метод нафакат назарий фикрларни, қоидаларни белгилаш учун, балки амалий мақсадлар учун ҳам фаол хизмат қилади. Шунингдек, «бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш техникаси ва назарияси учун ҳам чоғиштириш методи асосида олиб борилган илмий тадқиқот хулосалари катта аҳамият касб этади.

### **Типологик метод**

Типологик метод чет тилларни она тилига қиёслаб ўрганиш жараёнида ушбу тиллардаги фонетик, лексик-грамматик ва услубий (стилистик) хусусиятларини аниқлайди ва илмий хулосалар чиқаради.

### **Дистрибутив таҳлил методи**

Дистрибутив таҳлил муайян тил бирликлари билан бевосита боғлиқ холда амалга ошади. Ушбу жараёнда фонема, морфема, лексема, сўз, сўз бирикмаси ва гап каби лисоний бирликларнинг дистрибуцияси-жойлашиш ўрни (позицияси), тартиби, олдинма - кейин келиши, қўлланиш имкониятлари аниқланади.

Айни вақтда ушбу лисоний бирликларнинг ўзаро муайян алоқага - семантик - синтактик муносабатга киришуви, боғланиши-бирикиши ҳам ўрганилади. Бошқача айтганда, тил бирликларининг дистрибуцияси фонема

учун маълум фонеманинг олдидан ва кетидан келадиган фонемалардир, морфема учун эса морфемадан олдин ва кейин келадиган морфемалардир.

Дистрибутив таҳлил методи фонология, морфология ва синтаксисда кенг қўлланилади. Шунингдек, у лексик сатҳга нисбатан ҳам ишлатилмоқда. Демак, фонологияда фонемалар, морфологияда морфемалар, синтаксисда эса синтактик бирликлар: сўз бирикмалари ва гаплар аниқланади ва уларнинг (хар бирининг) бир-бирига ўзаро муносабати ўрганилади.

### **Статистик таҳлил методи**

Статистик таҳлил методи жaxon тилшунослиги амалиётида энг фаол ишлатиладиган методлардан бири бўлиб, лисоний бирликларнинг-тил ва нутқ бирликларининг такрор ва такрор қўлланилишини, тез-тез ишлатилиш даражасини, частотасини, тарқалиш доирасини белгилайди. Бошқача айтганда, ушбу метод лисоний бирликларнинг, масалан, товуш, бўғин, кўшимча, сўз, сўз бирикмаси, гап кабиларнинг ишлатилиш миқдорини, арифметик сонини аниқлаш учун хизмат килади. Демак, лисоний ходисалар, бирликлар нафақат сифат белигисига, балки миқдорий белгига эгалиги билан ҳам ажралиб туради.

### **Бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методи**

Структурал тилшуносликнинг тадқиқот методларидан бири бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш усулидир. Ушбу методнинг узига хослиги шундаки, у бевосита нутқ фаолияти-нутқ бирликлари билан боғлиқ холда функционал ахамиятга эгадир. Аниқроғи, мазкур метод сўз бирикмаси ва гап каби нутқ бирликлари фаолиятини, уларнинг ташкил топишини, ушбу жараёнда хизмат қилувчи лисоний ходисаларни, яъни сўз бирикмаси ва гап каби конструкцияларнинг қурилишида, шаклланишида бевосита хизмат қилувчи бирликларни, уларнинг моҳиятини, ахамиятини ўрганади, таҳлил қилади. Демак, ушбу жараёнда нутқни (сўз бирикмаси, гап, матн кабиларни) хосил қилувчиларни аниқлаш, белгилаш, «топиш» фаолияти амалга ошади.

## **Трансформацион таҳлил методи**

Трансформацион таҳлил методи - муайян марказий (ядро) синтактик бирлик (масалан, гап) асосида яритилган, хосил қилинадиган катор бошқа гапларни аниқлайди, уларнинг трансформацияланиш механизмини ўрганади. Трансформацион таҳлил методи ядро гапларни ва уларни трансформациялаш натижасида юзага келган “ясама” ҳосила гапларни аниқлаб, ўзаро қиёслайди, улар орасидаги умумий ва фарқли жихатларни белгилайди. Ушбу метод орқали дастлаб трансформацияга асос бўлган гаплар, сўнгра улар асосида хосил бўлган, қайта тузилган гаплар таҳлил қилинади, улар орасидаги формал - семантик, синтактик муносабатлар ўрганилади.

## **Компонент таҳлил методи**

Тилшуносликда (масалан, туркий-ўзбек тилшунослигида) лисоний бирликларни тадқиқ қилишда фаол қулланилаётган методлардан бири компонент таҳлил методидир. Компонент таҳлил методи тил бирликларини парадигматик бирлик сифатида, парадигматик муносабатда, алоқада олади, парадигматик каторда ўрганади.

Ушбу методнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у, асосан, сўзга-сўз маъносига нисбатан қўлланилади, сўз маъносини мукамал таҳлил қилишда, уни таркибий қисмларга-компонентларга ажратишда кенг фойдаланилади. Демак, компонент таҳлил методи сўзнинг мазмун жихати бўлган маънони (семемани) муайян семантик система сифатида текширишда, айти системани ташкил қилувчи таркибий қисмларни, маъновий бўлақларни, яъни семаларни аниқлашда, уларнинг семантик системадаги - семемадаги моҳиятига, ўрнига, аҳамиятига, имкониятига, ўзига хосликларига алоҳида эътибор беради, уларни аниқлайди, қулланиш доирасини белгилайди.

## **Саволлар:**

1. Трансформацион методи бу –
2. Тилларнинг синтактик қурилишидаги ўзгаришларни тадқиқ қилувчи метод –



3. Дискриптив тадқиқот методининг моҳияти нима?
4. Инглиз тилидан ўзбек тилига таржима бўйича тадқиқотлардан асосан қайси метод қўлланади?

### **3-мавзу: Таржимада маълумотлар таҳлил қилиш усуллари: лингвистик ва экстралингвистик таҳлил этиш механизмлари.**

Таржимашунослик маълумотлар таҳлил қилиш усуллари, лингвистик ва экстралингвистик таҳлил этиш механизмларини аниқлаб олиш таржимашуносликда олиб бориладиган тадқиқот ишларини систематик ёндашувда амалга оширишда катта аҳамиятга эга.

Ҳар қандай соҳада амалга ошириладиган тадқиқотларда соҳа бўйича қилинган илмий изланишларни батафсил ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар юртимизда таржимашунослик соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, бу соҳадаги илмий изланишлар ўзбек тилидан ғарб ва шарқ тилларига, шарқ ва ғарб тилларидан ўзбек тилига бевосита ва билвосита амалга оширилган таржималар хусусида бажарилган.

Сўнги йилларда таржимашунослик соҳасида З.Тешабоеванинг ““Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари”, Р.Ширинованинг “Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши”, У.Йўлдошевнинг “Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида)”, А.Шарипованинг “Стилистик синонимлар таржимасининг лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида)”, Д.Хошимованинг “Бобурнома» матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи” каби тадқиқотлар амалга оширилди. Мазкур тадқиқотларда асосан ўзбек тилида яратилган асарларнинг инглизча таржималарида тил бирликларининг берилиш

масалалари таҳлил қилинган. Тадқиқотларнинг аксариятида таржиманинг лингвостилистик, миллий-маданий хусусиятлари белгиланиб олинган.

Таржимашуносликда тадқиқот олиб боришнинг тизимли ёндашуви деганда биз албатта аслият ва таржима тилларининг қиёсий ва чоғиштирма тадқиқ қилиш орқали амалга оширилишини тушунамиз. Бу жараёнда таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик омилларини ўрганишга эътибор қаратилади.

Бизга маълумки, таржиманинг лингвистик муаммолари қуйидагиларда ўз аксини топади:

- а) аслият ва таржима тилларининг фонетик ва фонолик хусусиятлари;
- б) аслият ва таржима тилларининг грамматик муаммолари, морфалогик, синтактик мослашув жараёнлари;
- в) аслият ва таржима тилларининг лексик-семантик хусусиятлари;
- г) аслият ва таржима тилларининг услубияти, стилистик усулларнинг таржима қилиш стратегиялари, уларнинг миллий-маданий хусусиятлари;
- д) аслият ва таржима тиллари, улар орқали яратилган матнларнинг шакл ва мазмун жиҳатидан уйғунлашуви муаммолари.

Таржиманинг экстралингвистик муаммолари эа қуйидагиларжа намоён бўлади:

- а) аслият ва таржима тилларининг лингвокультурологик хусусиятлари;
- б) аслият ва таржима тилларининг лингвопрагматик хусусиятлари;
- в) аслият ва таржима тилларининг лингвокогнитив хусусиятлари.

Таржимашуносликда тадқиқот олиб бориш жараёнида юқоридаги таъкидланган омиллар, яъни лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларга бутун тадқиқот жараёнида мурожаат қилинади.

Бундан ташқари, мазкур соҳада тадқиқот олиб боришнинг яна бир асосий шarti шундан иборатки, тадқиқот материали сифатида хорижий тилга таржима қилинган ёки хорижий тилдан ўзбек тилига ўгирилган асар ёки тўплам, хужжат ва ҳоказолр бўлиши талаб этилади. Бунга сабаб, таржима

матнидаги ғализликлар, таржима камчиликларини асослаб бериш ва шу асосида тадқиқотчининг ўзини вариантини бериш керак бўлади.

### **Саволлар:**

1. Таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни бартараф этишга ҳамда турли ҳил вазифаларни бажаришга қўмаклашувчи таржиманинг асосий малакалари бу –
2. Таржиманинг лингвистик муаммолари нималардан иборат?
3. Таржиманинг экстралингвистик муаммоларини нималар ташкил этади?
4. Таржимоннинг профессионал компетенцияси таркибини қайси компетенциялар ташкил этади?

## **V. КЕЙСЛАР БАНКИ**

### **Keys bilan ishlashga 1 ta o‘quv mashg‘ulo1-variant**

**Keys bilan ishlashga 1 ta o‘quv mashg‘uloti ajratilgan. Keys o‘lchami unchalik katta emas .**

- 1. Keys bilan yakka tartibda tanishish.**
- 2. Keys bilan jamoa bo‘lib ishlash:**
  - 2.1. Aqliy hujum: - muammoli vaziyatni hal etish g‘oyalari generatsiyasi.**
  - 2.2. Jamoaning bahosi va ustuvor g‘oyalarning tanlanishi.**
- 3. O‘qituvchi rezyumesi.**
- 4. Tinglovchilarning o‘quv yutuqlarini baholash**

### **2-variant**

**Keys bilan ishlashga 1 ta o‘quv mashg‘uloti ajratilgan. Keys o‘lchami unchalik katta emas.**

1. Keys bilan yakka tartibda ishlash.
2. Jamoaning muammoli vaziyatni tahlil qilish va hal etish, bunday amaliy vaziyatdagi faoliyat bo'yicha tavsiyalarni ishlab chiqishga qaratilgan munozarasi.
3. O'qituvchi rezyumesi.
4. Tinglovchilarning o'quv yutuqlarini baholash

### 3-variant

**Keys bilan ishlashga 1 ta o'quv mashg'uloti ajratilgan. Keys o'rtacha o'lchamli.**

1. Keys bilan auditoriyadan tashqari vaqtda yakka tartibda ishlash.
2. Auditoriyada ishlash:
  - 2.1. Kichik guruhlarda ishlash: keys bilan yakka tartibda ishlash natijalarini muhokama qilish bo'yicha kichik guruhlardagi ishlar; jamoaning muammo yechimi bo'yicha taklif qilingan muqobil variantlarni tahlil qilishi va baholashi, ustuvor g'oyani tanlashi; muammoli vaziyatni hal etish dasturining ishlab chiqilishi.
  - 2.2. Guruh ishi taqdimoti.
  - 2.3. Muammoli vaziyat yechimi bo'yicha taklif etilgan variantlarning jamoadagi muhokamasi.
3. O'qituvchi rezyumesi.
4. Tinglovchilarning o'quv yutuqlarini baholash

## VI. ГЛОССАРИЙ

<b>Таржимон</b>	Бир тилда яратилга сўз, гап, матн ва ҳокозоларни боша тилга тушунарли қилиб олиб ўтувчи шахс, воситачи
<b>Таржима</b>	Бирор ахборотни аслият ва таржима тилларининг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларини ҳисобга олиб, бошқа ифодалаш жараёни.
<b>Аслият матн</b>	Таржима қилиниши керак бўлган матн.
<b>Таржима матн</b>	Бошқа тилга таржима қилинган матн.
<b><i>TM Manager</i> (ТММ)</b>	бу таржимонга ёрдам сифатида ишлаб чиқилган махсус дастур бўлиб, маълумотлар базасида махсус термин ва матн сегментлари сақланади. Қоидага кўра, такрорланиб турадиган махсус термин ва фразаларга бой катта ҳажмдаги ҳужжатни таржима қилишда ТМдан фойдаланиш талаб қилинади.
<b><i>Translation Memory</i> (ТМ)</b>	аслият матни маъноси билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ва фақат сўзлар йиғиндисини берадиган автоматик таржимонлар ёрдамида бажариладиган механик таржима
<b>Гипертекст</b>	биринчи марта компьютер лингвистикасида пайдо бўлган. Ҳаволалар орқали катта матнлар ёки ҳаволаларга ўтиш.
<b>Коммуникатив компетенция</b>	индивиднинг умумий компетенцияси унсурлари билан ўзаро боғлиқ бўлган ва индивид учун нутқ фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш имконини берувчи лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенциялар комплекси сифатида белгиланиши мумкин
<b>Тил</b>	бу тил бирликлари функциясининг тизимли

<b>компетенцияси</b>	қоидаларини билишгина эмас, балки нутқ малакаси даражасида тил материалини билиш, яъни муайян мазмунни ифодаловчи гапларни тўғри тузиш
<b>Таржимонлик компетенцияси</b>	барча ҳолатларда ҳам эмас, балки муайян мавзудаги, аниқ бир стилистик жанрдаги матнларни таржима қилишдаги билим, малака ва кўникма, таржимонга мақбул бўлган таржима усулларини прагматик компоненти сифатида тавсифлаш мумкин
<b>Шахсий компетенция</b>	ихтисослик бўйича матнлар профессионал таржимонлар гуруҳи қадрий ориентацияси ва менталитетига кириб бориш
<b>Техник компетенция</b>	таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни бартараф этишга ҳамда турли хил вазифаларни бажаришга кўмаклашувчи таржиманинг асосий малакалари киради

## VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Rojo, A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. Peter Lang, 2009. – 418 p.
2. Newmark P. A Textbook of Translation. – London: Prentice Hall, (1988/1995). – 292 p.
3. Snell-Hornby, M. Translation Studies: An Integrated Approach. – Amsterdam / Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 1988/1995. – 184 p.
4. Catford J.C. A Linguistic Theory of Translation. – Indiana: Oxford University Press, 1965. – 103 p.
5. Nida E. Towards a Science of Translating. – Leiden, 1964. – 331 pp.
6. Комиссаров В. Н. Современное переводоведение. – М.: ЭТС, 2001. – 424 с.
7. Аликина Е.В., Швецова Ю.О. Формирование экстралингвистической компетентности будущих устных переводчиков // Современные проблемы науки и образования. 2012. – № 2. Электрон ресурс: [www.scienceeducation.ru/102-6037](http://www.scienceeducation.ru/102-6037).
8. Щукин А.Н. Обучение иностранным языкам. Теория и практика: учеб. пособие для преподавателей и студентов. – М., 2004. – 416 с.

### Қўшимча адабиётлар

1. Muminov O. and others. Written Translation. Part I, II. Tashkent. 2010.-272p.
2. Яшина Н.К. Учебное пособие по письменному переводу. Владимир-2016.
3. Baker M. In other words- London: Routledge. 2011- 332p.
4. Munday J. Introducing to Translation Studies. London: Routledge. 2012.-364p.
5. Robinson D. Becoming a Translator London: Routledge. 2012-230p.
6. Mo‘minov O. Sinxron tarjima. Toshkent – 2015, - 134 b.
7. Malmkjer K and Kevin W. The Oxford Handbook of Translation studies. – Oxford: Oxford University Press, 2011. – 256 p.
8. Mason K. Metaphor and Translation. Babel 28 (3): 1982. Pp 140-149.
9. Mateo M. The Translation of Irony. Meta, 40 (1), 1995. Pp 171-178.

10. Mildred L. Meaning – based translation: A Guide to Cross-language Equivalence. – Lanham: University press of America, 1984. – 537 p.